ИНСОН БОРЛИҒИ ВА УНИНГ ШАРҚОНА МОҲИЯТИ

Л.Қурбонова

Мақолада қадим Шарқдаги антропологиянинг асосий масалаларидан бири бўлган инсон борлиғи ва моҳияти ҳақидаги тасаввурлар ҳамда муаммонинг фалсафий талқинлари тадрижи мухтасар ёритилган.

Калит сўзлар: *антропология, ўзликни англаш, онг, жамият, инсон борлиғи.*

В статье рассматриваются представления о бытии и сущности человека в древнем Востоке, кратко освещена эволюция философских интерпретаций данной антропологической проблемы.

Ключевые слова: *антропология, самосознание, сознание, общество, человеческая сущность.*

The article present a view that main theme of anthropology is human perfection and its essence in the East and it describes shortly the evolution of philosophical interpretation of this anthropological problem.

Key words: *anthropology, understanding of oneself, self consciousness, society, human essence.*

Шарқ фалсафасида инсон борлиғи билан боғлиқ кўплаб таълимотлар Ҳиндистон ҳамда Хитойда пайдо бўлган диний-фалсафий қарашларда, шунингдек, халқимизнинг исломгача ва ундан кейин пайдо бўлган эътиқодларида ўз ифодасини топган. Шундай манбалардан бири, халқимизнинг кўҳна маънавий бисоти “Авесто”да баён қилинган қоидалар, инсоннинг ер юзидаги ҳаётини енгиллаштиришга, уни бахтиёр қилишга қаратилган энг афзал қадриятлардир [1].

Ушбу манбадаги биринчи одам ҳақидаги ривоятларда илк инсон ва унинг ўзига хос сифатлари баён қилиниб, Ийим номи билан ердаги биринчи одам фаолияти ёритилган. У Ахурамазда иродасига мувофиқ ҳайвонларни ва қушларни парвариш қилган. Ер юзида қизил шуълали оловни кўпайтирган ва шу тарзда 300 йил яшаган. Ахурамазда унга олтин найза ва олтин қамчи ҳадя этиб, ер одамлар яшаши учун торлик қилиб қолганда, ўша найзани ерга суқиб, кенгайтиришни буюрган. Ахурамазда Ийимга музлик даври яқинлашаётганидан ҳабар берган. Ийим унинг ёрдамида махсус уй қуриб, ҳамма ҳайвон ва ўсимликларнинг энг яхши зоти ва навларидан бир жуфтдан сақлаган. Пировардида Ийим ўз ишидан мағрурланиб кетиб, худо тақиқлаган неъмат – ҳайвон гўштидан тановул қилган. Оқибатда у худонинг қаҳрига учраган ва абадийликдан маҳрум бўлган.

Зардуштийликда баҳор байрами Наврўз катта шодиёна билан кутиб олинган. Деҳқончиликнинг бошланиши ёвуз кучларнинг, яъни девларнинг чекинишига сабаб бўлади деб ҳисобланган. Баҳорнинг илк кунларида гуллаб мева тугадиган Хома дарахтининг мевасидан еган аёл ва келинлар, албатта, ўғил фарзанд кўришлари, бундай фарзандлар она заминга, Ватанга муҳаббат руҳи билан дунёга келиши тўғрисидаги ривоятлар, табиат билан инсон ўртасидаги боғлиқлик, инсоннинг пайдо бўлишида ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ҳиссаси катталигини эътироф этувчи қарашлар “Авесто”нинг антропологик хусусиятларини ифодалайди.

Шарқ фалсафасида жоннинг ўлмаслиги хақидаги тасаввурлар қадимдан мавжуд. Одамлар ўз таналарининг тузилиши тўғрисида тушунчага эга бўлмаган, уйқу ҳолати, туш кўриш сабабларини изоҳлай олмаганлар. Шу боис ибтидоий одамларда инсон танасини бошқарадиган қандайдир алоҳида куч мавжуд, бу куч инсон ўлгандан кейин танадан чиқиб кетади, деган тасаввурлар пайдо бўлган [2].

Жон ва руҳларнинг мавжудлиги тўғрисидаги таълимотлар Шарқ халқларининг барчасига тегишли бўлиб, унинг яратувчиси Худо – ягона яратувчи ҳисобланган. Кўпчилик мутахассислар ислом таълимотларида антропологик қарашлар йўқ, деган фикрни билдирадилар. Ҳолбуки, “Ан ал-Хақ” [3] деган хитоби учун ваҳшиёна ўлимга хукм қилинган Мансур Халлож ҳақиқатда “мен Худо билан биргаман, у мен билан, мен эса у билан уйғунман” дея инсонга муносабат билдирган, афсуски, Хожа Аҳмад Яссавий айтганларидек, унинг ҳақиқатда нима демоқчи бўлганини “нодон”лар англаган эмас:

Ан ал-Хақнинг маъносини билмас нодон,
Доно керак бу йўлларда токи мардон,
Шоҳ Мансурнинг “Ан ал-Хақ”и бежо эмас,
Йўлни топқон бизга ўхшаб гумроҳ эмас.

Аслида Мансур Халлож нақли “Ўзини билган Худони ҳам билади” деган ҳадис билан уйғундир. Унинг “Худони осмонлардан изламанг, у ичингиздадир” дея таъкидлашида ёки Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” дея хитоб қилишида, албатта, инсон оламнинг маркази, борлиқ-

нинг гултожи экани тўғрисидаги антропоцентрик ғоялар Шарқда Ғарбга нисбатан аввалроқ илдиз ёйганига далолат қилади.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Форобий инсон (инсоний вужуд ва бошқа вужудлар) нинг пайдо бўлиши ҳақида гапира туриб, "зарурий вужуд" ва "вужуди мумкин" тушунчаларини фарқлайди-да, инсонни зарурий вужуддан пайдо бўлган "вужуди мумкин" сифатида эътироф этади. Форобийнинг фикрича, борлиқ (мавжудот) 6 босқичдан иборат бўлиб, бу босқичлар айни вақтда бутун мавжудликнинг (инсоннинг ҳам) асосидир. Улар бир-бири билан узвий сабаб ва оқибат муносабатлари тарзида боғланади. Биринчи босқич, яъни сабаб (ас-сабаб ал-аввал Оллохдир), иккинчи босқич осмоний жисмлар (ас-сабаб ас-соний), учинчиси фаол ақл (ал-ақл ал-фаол), тўртинчиси жон (ан-нафс), бешинчиси шакл (ас-сурат), олтинчиси материя (ал-модда). Илоҳий моҳият ва мавжудликнинг ўзаро алоқадорлигидан вужуднинг икки хил жиҳати пайдо бўлади. Биринчиси "зарурий вужуд", яъни ўз-ўзича мавжуд нарсалар. Иккинчиси эса "Вужуди мумкин", яъни бошқа мавжудлик эвазига вужудга келувчи нарсалар.

"Вужуди мумкин" мавжуд бўлиш учун, албатта, "зарурий вужуд"га муҳтождир. Демак, Форобийнинг ушбу қарашларидан англаш мумкинки, инсон ҳам юқоридаги ҳар икки вужуднинг ҳосиласи ҳисобланади. Чунки Фаробий Оллоҳни биринчи сабаб ва моҳият сифатида кўради. Биринчи сабаб абадий, иккинчи сабаб, яъни "вужуди мумкин"нинг абадийлигига эса шубҳа билдиради. Аммо, Форобийнинг таъкидлашича, энг муҳим нарса бу эмас, энг муҳими "абадий мавжудлик – номавжудликдан халос этувчи моҳиятдир" [4].

Форобий таълимотида барча ер юзи ва осмон жисмлик, яъни моддийлик "зарурий вужуд"нинг ҳосиласидир. Барча нарсаларни у олти турга бўлиб таърифлайди: осмон жисмлари, ақлли ҳайвонлар (одамлар), ақлсиз ҳайвонлар, ўсимликлар, минераллар ва тўрт унсур (олов, ҳаво, тупроқ ва сув). Сўнгги тўрт элемент жисмлик ва моддийликнинг, барча жисмларнинг (инсоннинг ҳам) асоси бўлиб материянинг энг содда турларидир. Қолган беш тури барча "зарурий вужуд"ларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ушбу таълимотлар Шарқ антропологияси ва унинг ўзига ҳос ноёб жиҳатларини ифодалайди.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Имом Ғаззолий ҳам азбаройи инсоннинг ўйин учун яратилмагани, унинг амали улуғ ва бунинг учун буюк хатар борлигини айтиб, инсоннинг бу оламдаги ўрни ва вазифасига ишора қилган эди.

Ҳазрат Навоий эса ушбу ғояни қуйидаги мисраларда янада ёрқинроқ ифодалайди:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур.

Шундай қилиб, кўплаб файласуфлар томонидан илгари сурилган "Инсон нима?" деган савол Шарқ ва Ғарб фалсафий антропологиясининг муаммоларини белгиловчи бош масала ҳисобланади. Бу масала фалсафий тафаккурнинг айнан ушбу йўналишида Шарқ ва Ғарб антропологиясидаги умумийлик ва айримлик намоён бўлувчи таълимотларда янада ойдинлашади. Инсон муаммоси доимо фалсафанинг бош мавзуларидан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳам инсон табиати, унинг дунёдаги ўрни ва вазифасини англаб етишга кўплаб мутафаккир ва олимлар ҳаракат қилганлар. Инсон борлиғи билан боғлиқ бу серқирра муаммо барча даврларда фалсафанинг асосий мавзуларидан бири бўлган. Бу масала барча фалсафий мактаблар, йўналишлар вакилларида, чунончи, унинг дастлабки умумий асосларини англаб етмоқчи бўлганларда ҳам, юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг хусусий жиҳатлари ва ранг-баранглигини тушунишга ҳаракат қилганларда ҳам катта қизиқиш уйғотган. Инсон борлиғининг моҳиятини, хусусан, унинг бетакрорлиги ва инсон ҳаётининг ўзига хослигини ўрганиш бугунги кунда ҳам инсон фалсафасининг асл мазмун-моҳиятини намоён этади. Шу боис бу муаммолар бугун ҳам барча авлод файласуфларини қизиқтиради. Зеро, инсон шахсининг мустақиллиги ва эркинлиги масаласи кўп жиҳатдан муаммоли бўлиб қолди. Инсон борлиғининг бундай муаммолилиги унинг нафақат ижтимоий-биологик жараён ҳосиласи сифатида, балки илоҳий моҳият эгаси эканидан ҳам далолат беради. Бошқача айтганда, инсон бунёдкор ва айни вақтда маданият маҳсули, шунингдек, ўзидан ташқарида турувчи жонли дунёдан фарқлаш имконини берувчи маънавият манбаи ҳамдир.

Фалсафий антропология тарафдорлари инсоннинг мазкур талқинидан келиб чиқиб бу фан изчил илмий қарашларни илгари суришга даъвогар бўла олмаслиги, балки қатор фанлар: психология, социология, биология ва ижтимоий фанларнинг турли ёндашувлари ва хулосаларини синтезловчи инсон ҳақидаги билимлар тизимини яратишга қаратилиши лозимлигини қайд этмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу фан ўз предмети сифатида инсон борлиғини белгилайди. Унинг моҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиб, шу тариқа инсоннинг ўзини ҳам, уни қуршаган дунёни ҳам фалсафий нуқтаи назардан англаб етишга ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда, антропология ёки аниқроқ айтганда, антропологик онг нафақат онтология ва космологияга, балки гносеология ва билиш фалсафасига, ҳар қандай фалсафа ва ҳар қандай билишга замин яратади [5].

Адабиётлар:

1. Саифназаров И.С. Шарқ фалсафасидаги инсонпарварлик ва адолат тамойиллари демократлаштириш жараёнининг муҳим омили сифатида. / “Ўзбекистондаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти: муаммо ва ечимлар” номли ЎзМУнинг 95 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- Т., 2013.- Б.4-6

2. Абдусамедов А. Динлар тарихи. Ўқув қўлланма.- Т.: ЎзМУ, 2004.- 208 б.

3. Комилов Н.Тасаввуф. Иккинчи китоб.Тавҳид асрори.-Т.:Ўзбекистон, 1999.- Б.37,48.

4. Фараби. Существо вопросов // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв.- М., 1961.- С.161-164.

5. Бердяев Н.А. Философия свободы. Смысл творчества.- М.: Правда, 1989. – 608 б.

Андижон давлат университети,
2016 йил 14 январда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Юлдашева)